

Ўз вақтида огоҳлантириши, қутқариши ва ёрдам бериш асосий вазифамизdir!



Vaziyat

2023 йил
24 август
№ 34 (923)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

МАЛАКА ВА МАҲОРАТ СИНОВИ



Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев раҳбарлигига Бухоро вилоятида “2023-2024 йиллар куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш, уни беталафот ўтказиш, энергетика ҳамда газ тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига электр энергияси ва газ ресурсларини етказиб беришда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш” мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

Ўқув машқи 10 та обьектда 22 ўқув нуқтасида ташкил этилди. Машгулот режасига кўра, қатор обьектларда ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларни бартараф этиш, ишчи-ходимларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш, жабрланганларни қутқариш, уларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилди.

Машқ давомида аниқланган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилиб, мутасаддиларга мазкур камчиликларни бартараф этиш, 2023-2024 йиллар куз-қиши мавсумига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ тадбирларни изчил ташкил қилиш юзасидан зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ФВВ матбуот хизмати

ИСЛОХОТ ЙЎЛИДА: МАРКАЗ 6 ЁШДА

Дунёда ҳар иили табиий оғатлар инсонларга беҳисоб моддий зарар келтиради. Табиий оғатлар ичида энг хавфлиси ер силкиниши ҳисобланади.

Ер шарида содир бўлган кучли ер силкинишлари оқибати, айниқса, давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, қурилиш ва инфратузилма фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, ҳар куни кучсиз зилзилалар қайд этилди. Шунинг учун зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар даврида аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш сейсмология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жаҳон талаблари даражасида олиб боришни тақозо этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва унга чегарадош ҳудудларда, шунингдек, табиий ва техноген хавфли ҳудудларда сейсмик хавфсизлик бўйича мониторингни ташкил этиш, содир бўлган кучли зилзилалар тўғрисида аҳоли ва юқори давлат

органларини ўз вақтида хабардор қилиш тизимини шакллантириш мақсадида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнданға фармонига мувофиқ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибида Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ташкил этилди.

Жорий йилда марказ фаолиятига 6 йил тўлди. Ўтган йиллар мобайнида марказ раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан соҳа йўналишларида кўплаб самарали ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказнинг моддий-техник базасини янгилаш ва уни жаҳон талаблари асосида жиҳозлаш, сейсмик ва комплекс-прогностик станцияларни



модернизация қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ соҳа йўналишига доир замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Сейсмик станциялар жаҳон талабларига мостарзда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Кузатувлар тармоғи интернет тизимига уланиб, онлайн режимга ўтказилди.

Шунингдек, сейсмиклини мониторинг қилиш бўйича жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ўзаро илмий-техник ҳамкорлик қилиш юзасидан 2020 йил 15 октябрда келишув имзолангани яқол мисолидир. Келишув доирасида ўтган йиллар давомида Ўз-

АҚШ, Қозоғистон ва Тожикистон каби мамлакатлар билан сейсмик хавфсизлик юзасидан ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда.

Бунга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ва АҚШнинг Сан-Диего шаҳри Калифорния университети қошидаги геофизика ва планетар физика институти ўртасида зилзилаларни мониторинг қилиш бўйича ўзаро илмий-техник ҳамкорлик қилиш юзасидан 2020 йил 15 октябрда келишув имзолангани яқол мисолидир. Келишув доирасида ўтган йиллар давомида Ўз-

бекистонга АҚШнинг Калифорния ва Мичиган штати университетининг малакали тадқиқотчи олимлари Р.Меллорс, К.Мекки ва Д.Берклар ташриф буюрди. Ташириф давомида томонлар Битим доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболли режалар юзасидан қизғин муҳокамалар қилишди. Деярли З йиллик ҳамкорлик натижасида, жорий йилнинг З май куни Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган “Қорасой” номли илк кўшма сейсмик станцияси ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура ташаббуси билан Миллий гвардия Қўриқлаш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси ҳамкорлигида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маънавий юксалиш – ёрқин келажак асоси” мавзусида комплекс тадбир ташкил этилди.

ЁРҚИН КЕЛАЖАК АСОСИ



Тўртта секциядан иборат бу тадбир “Уч авлод учрашуви” билан бошланди. Унда Ҳарбий прокуратура ва Қўриқлаш бош бошқармаси фахрийлари ўз ҳаётий тажрибалари асосида сўзлаб берган хотиралари қатнашчи-лар, айниқса, ёшлар қалбидаги ватанпарварлик, ҳалоллик, садоқат ва фидойилик туйғуларини тўлқинлантириб юборганилиги уларнинг шундок юз-қўзларида акс этиди.

“Маънавий салоҳиятни оширишда китобхонликнинг ўрни” мавзуидаги тадбирда китобхонликни кенг тарғиб этиш, мутолаа маданиятини ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшлар ва ходимларнинг китобга муҳаббатини янада юксалтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаси ҳамкорлигида маҳсус тайёрланган “Китоб – юксалиш асоси” номли видеоро-

лик намойиш этилди. Тадбирлар юқори натижаларга эришган ходимлар ва уларнинг ота-оналарини тақдирлаш маросими, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи куй-кўшиқлар ва шеърхонлика уланиб кетди.

“Китоб ярмаркаси”-да адабиёт, ҳуқуқ, сиёсат каби турли соҳалардаги нашрлар ва бошқа адабиётлар ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳарбий хизматчилар, ходимлар ҳамда ёшлар ўзлари излаган ва яқинлари қизиқкан китобларни арzon нархларда харид қилишиб.

Тадбир якунида мурожаат билан келган фуқаролар ва қўриқлаш хизмати ходимлари тингланиб, уларга қонунчилик доирасида ҳуқуқий тушунишлар берилди.

Ойбек ЮЛЬБАРСОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бўлум
бошлиғи, адлия
подполковниги.

ИСЛОХОТ ЙЎЛИДА: МАРКАЗ 6 ЁШДА



(Давоми. Бошланиши
1-бетда)

Мазкур станция АҚШ глобал сейсмик тармоғининг бир қисми сифатида АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

Бундан ташқари, Марказ ходимлари Молдова, Россия Федерацияси ва Қозогистон сингари давлатларда малака ошириш ўқув курсларида ва семинарларда фаол иштирок этдилар.

Хусусан, 2019 йил 9-13 сентябрь кунлари Молдовада

ҳамда 2021 йилнинг сентябрь ойида Россия Федерацияси-нинг Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган “Сейсмологик маълумотларни қайта ишлаш ва изоҳлашнинг замонавий усуллари” мавзусига бағишиланган XIV-XV ҳалқаро конференцияда Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази бошлиги Қўйчқоров ва “Тошкент” сейсмик станцияси бошлиги И.Арипов ҳамда соҳа вакили С.Набиевлар фаол иштирок этдилар. Шунингдек, ушбу семинарда АҚШ, Россия, Қирғи-

зистон ва Тожикистоннинг сейсмология соҳасида фаолият кўрсатадиган тажрибали мутахассислари қатнашдилар. Семинар доирасида иштирокчи давлатлар томонидан замонавий сейсмологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий муносаралар ўtkazилиши манбаатли ҳамкорликларга пойдевор бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг кутлуг 32 ёшини қарши олиш арафасида Марказ фаолиятининг ташкил этилганлигига 6 йил тўлиши ташкилот ходимлари учун қўша-лоқ байрам, албатта. Қисқа йиллар сарҳисоби шуни кўрсатадики, соҳа йўналишида эришилган ютуқлар яқин келажақда ижобий натижалар беради ва улкан зафарларга пойдевор бўлиши шубҳасиз-дир.

Ф.УМАРАЛИЕВА,
ФВВ Сейсмопрогностик
мониторинг Республика
маркази муҳандиси.



МУРОЖААТЛАР ЕЧМИ

Халқ билан тўғридан-тўғри мурожаат, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш ва уларни рози қилиш бугун ҳар биримизнинг олдимизда турган устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада ҳарбий прокуратура органдари томонидан ҳам амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Куролли Кучлар тизими-даги вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида ўқазилган оммавий сайёр қабул бу борадаги тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда 350 нафар-

га яқин ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва фуқаролар қатнашди.

Жараёнда Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Б.Кудратхўжаев кел-

ганларнинг мурожаатларини тинглади.

Мурожаат келиб тушди, шундан 25 таси жойида ҳал этилди, 48 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, ўрганиш ва муддат талаб этиладиган 45 та мурожаат назоратга олинган ҳолда мутасадди ташкилотларга юборилди.

Шомирза Қўлдошев,
Гулистон ҳарбий
прокурори ёрдамчиси,
адлия катта лейтенанти.

KORRUPSIYAVIY HOLATLARDAN OGON BO'LING!



Surxondaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasida Termiz harbiy prokururasi, viloyat IIB YHXB mas'ul xodimlari tomonidan jinoyatchilik va huquqbazarliklarni oldini olish hamda yo'l harakati xavfsizligi qoidaligiga amal qiling mavzularida profilaktik tadbir o'tkazildi.

Uchrashuv davomida, mas'ul xodimlar tomonidan, harbiy xizmatchilarining huquqiy madaniyatini yuksaltish, huquqbazarlik va jinoyatchiliklar,

yo'l-transport hodisalari, ichkilikbozlik bilan bog'liq qonun buzilish holatlari, hamda korrasjon holatlarni sodir etmaslik to'g'risida tushuntirish ishlari olib borildi. Shuningdek mas'ullar tomonidan Surxondaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi harbiy xizmatchilarining shaxsiy hamda xizmatda biriktirilgan transport vositalari hujjatlari va texnik holati tekshirildi.

ФВВ матбуот хизмати



MUHIM MAVZU

Qashqadaryo viloyati hokimligi va viloyat FVB hamkorligida kuz-qish mavsumiya puxta tayyorgarlik ko'rish, oldindan bajarilishi lozim bo'lgan muhim masalalar, mavsumda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olishga bag'ishlangan tezkor yig'ilish bo'lib o'tdi.



Viloyat hokimi o'rinnbosari M.Azizov va sektor rahbarlari raisligida o'tkazilgan yig'ilish davomida rahbarlar tomonidan joylarda amalga oshirilayotgan ishlardan muhokama qilinib, iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha obyektlarini kuz-qish mavsumida barqaror ishlashga tayyorlash, iste'molchilarni elektr energiyasi, tabiiy va suyultirilgan gaz, ko'mir mahsulotlari bilan uzuksiz ta'minlash, mavjud kamchiliklarni bartaraf qilish holati tahlil qilindi.

Farhod MIRZAYEV,
Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i,
polkovnik.

Деҳқонбод тумани ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғи Зоир Алиқулов бошчилигига ҳокимлик мажлислар залида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича туман комиссиясининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Йигилиш давомида 2023 йил куз-киш мавсумида носоз маиший газ баллонларidan fойдаланиш, тоғ олди ва тоғли худудларда сел-сув тошқинларini беталафot ўtkazish, piёda ҳамda техникалар ҳаракатini барқарорлаштириш, назорат-kuzatuv postlari фаолиятини жадаллаштириш, ichki йўllardan sув тўplaniши va ҳaракat xavfsizligini ta'minlashda kuch va vositalar шайлигини ta'minlash va yana қator vazifalar юзасидan mutasaddi idora va xizmatlarga topshiriqlar berildi.

Мажлис якунида galdeg'i vazifalar юзасидan ўzaro keliшиб olinindi.

Ўткирбек ЮЛДАШЕВ,
Деҳқонбод тумани ФВ
бўлими бўлинма бошлиғи,
майор.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавfsizligi universiteti kursantlari Ж.Orziqulov FVB Boşlanfich tajेrgarlik va malaka oshiриш markazida bўlib, markazda boşlanfich va malaka oshiриş tajеrgarlikdan ўtaётgan tинглов-chilariga Жамoat хavfsizligi universitetiga ўқишига kiriш taribi, яратilgan shart-sharoitlar, fan, innovatsion rivojlanishi va ўқitiш metodikasi, ўкуv жараёnnini tashkil etishi, kursantlarning biliimlari ni назорат қилиш shakl-larinib belgilab beruvchi normativ xujjhatlar, утиладиган fanlar юзасидan давра suxbatini utkazdi.



Toshkent viloyati Bekobod shahridagi davlat ko'magiga muhitoj yoshlari bilan FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi boshlig'i polkovnik N.Saidov ishtirokida uchrashuv tashkil etildi.

YOSHLARGA E'TIBOR

N.Saidov yoshar bilan aniq va manzilli ishlardan tashkil etish, ularning ijtimoiy ahvoli, qobiliyat va qiziqishlarini o'rganish maqsadida ular istiqomat qilayotgan xonadonlarida bo'ldi.

Uchrashuv chog'iда 2-guruh nogironi D.Xodjibayevaga kir

yuvish mashinasini, Y.Xolmirzaevaga oilaviy tadbirkorlik bilan shug'ullanishi uchun tikuv mashinasini sovg'a qilindi.

I.KAJANOV,
Tarbiyaviy va mafkuraviy
ishlar bo'limi
katta texnigi, oddiy askar.

АЭРОПОРТДА СЕМИНАР

FVB Boşlanfich tajеrgarlik va malaka oshiриş markazi педагог ўқituvchilari va "Самарқанд ҳалқaro аэропорти" МЧЖ тегишили xizmati išchi-hodimlari bilan "Favқulodda vазиятларда ҳаракат қилиш va fuқaro muҳofazasini ta'minlash" mавзусida seminar машғулот ўtkazildi.



Унда аэропорт ҳудудини favқulopoda vазияtлардан muҳofaza қилиш соҳасida ваколатларга эга бўлган ёки ушбу соҳада mажбуriятлар юклangan respublika va maҳalliy iжro этuvchi ҳokimiyat organlari ҳамda бoшқa ташкилотларнинг таркиbий bўlinmalari, kuch va vositalari ҳaракатlari, favқulodda vазияt rўy bergranda жабрланганларга биринchi тиббий ёрдам kўrsatiш bўyicha tавsияlar berildi.

Seminar машғулотida rivojlanigan mammakatlarida соҳa ходimlarinинг faoliyati, ҳalқaro тажрибалar va замонавий texnik asbob-anjomlar aks ettiрилган videolevχalap namoyish etildi.

Ш.АҲMEDOV,
FVB BT va MOM
цикл бошлиғи, подполковник.

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Куз-киш мавсуми яқинлашиши bilan ob-ҳavo ҳaroratining pasaiishi kuzatiladi. Албатта, bундай вақтда аҳолининг elektr va бoшқa turli xildagi isitiш moslamalariidan fойдаланишga эҳтиёji ortadi.



Мавсумни betalafto ўtkazish maқsadi, Favқulodda vазияtлар vазirliги tizimi ходimlari tomonidan mutasaddi tashkilot va korxonalar bilan

donlari va бoшқa тармоқlарда iшchi-xizmatchi ҳamda аҳолi bilan nosoz ёki қўлбola usulida ясалgan gaz va elektr isitiш moslamalariidan fойдаланиш, ёнгинlар sodir bўlganda bir la mchi ёнгин учiriш воситалariidan fойдалана иш бўyicha tushunchalap beriliб, эслатma ва bukletlar tarkatilmoқda.

**Хайрулло
МАВЛАНОВ,**
Учи туман ФВ
бўлими бошлиғи
ўrinbosari,
майор.

HUQUQBUZARLIK PROFILAKTIKASI

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi, Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi boshlig'i polkovnik N.Saidov, vazirlig Ma'nnaviy-ma'rifiy va tarbiyaviy ishlar boshqarmasi mas'ul xodimi adliya podpolkovnigi D.Roziqov, vazirlig Shaxsiy xavfsizlik boshqarmasi mas'ul xodimlari ishtirokida "Huquqbuzarliklar profilaktikasi" kuni munosabati bilan "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" va "Korrupsiya – taraqqiyot kushandas" mavzularida profilaktik tadbir tashkil etildi.



Yig'ilish davomida harbiy xizmatchi va xizmatchilar tomonidan sodir etilayotgan huquqbuzarlik va jinoyatchiliklar tahlili hamda yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar to'g'risida suxbat olib borildi.

Sh.KARIMOV,
FVV Shaxsiy xavfsizlik boshqarmasi
xodimi, adliya mayori.

ДАВРА СУХБАТИ



Davra suxbatida mutaxassislarining ўз фаолияtiga ongli ёnda shuvini shakllantiriш, ularning shaxsий mas'uliyat va tashabbuskorlik fazilatlarini kuchaytiriш, Жамoat хavfsizligi universitetining aсосий maқsad va vazifalarini

хalқaro ҳamkorlikda olib borilaётgan isloҳotlar tўғrisida tингlovchilariga maъlumotlar berildi.

Ж.САИДОВ,
FVB BT va MOM цикл ўқituvchisi,
подполковник.

“BEFIT RACE-2023” ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган “BEFIT RACE” мусобақаси бу йил ҳам Тошкент вилоятининг “Амирсой” дам олиш масканида 12 мамлакатдан ташриф буюрган 400 дан ортиқ яккалик ҳамда жамоавий таркибдаги иштирокчилар ўтасида ўтказилди.



Спортчиларнинг чидамлилиги, чақонлиги ва тезкорлигини аниқлаб берувчи мазкур “BEFIT RACE” мусобақаси “Sprint”, “Elit”, “Team sprint” йўналишлари бўйича якка ва жамоавий таркибда

ташкил этилди. Қизгин ва муросасиз кечган беллашувларда “Team sprint” йўналиши бўйича 12 мамлакатнинг 35 та терма жамоаси иштирок этди.

Мусобақада ФВБ Академияси ҳарбий хизматчиси капитан Рустам Чориев бошчилигидаги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва “Аҳмат” спорт клуби жамоаси

ҳам муносиб иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритди. 2-ўринни “Ahmat tigers” жамоаси эгалланган бўлса, 3-ўрин “Bukagum” жамоасига насиб этди.

Мусобақа якуннида ташкилотчилар томонидан ғолиб ва совриндорларга медаль, сертификат, пул мукофотлари ҳамда эсадалик совғалари тантанали топширилди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВБ Академияси катта ўқитувчisi, майор.

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ФВ бўлими томонидан ФВДТ ҳудудий ва қуий тизимлари бошқарув органларининг куч ва воситалари билан ҳамкорликда Шеробод цемент заводида амалий ўқув-тактик машғулоти ўтказилди.

Тадбир давомида ишли-ходимларнинг ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри



харакатланишга оид билим-малакалари синовдан ўтказилди.

Ж.ЖЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ ЖТ ва
ОАВБҲҚГ бошлиғи, капитан.

TADBIR

Shuningdek, is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaq-nashi va yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik, zilzila, sel kelishi, qor ko'chishi, kuchli shamol esishi bi-

Olmazor tuman FV bo'limi boshlig'i o'rinn bosari podpolkovnik N.Aslonov tomonidan Olmazor tumanı Usta shirin ko'chasida joylashgan alyumin profilari ishlab chiqarish korxonasida yong'in o'chirish texnikalari namoyish etilgan holda amaliy taktik mashg'ulot o'tkazildi.

Ian bog'liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, faqulodda vaziyat

oqibatlarini bartaraf etish to'g'risida tushuntirish ishlari amalgalashuvlari ko'zdan kechirildi hamda tadbir qatnashchilarining savollariga batafsil javoblar berildi.

G'ayrat ORTIQOV,
Olmazor tumanı FV bo'limi PvaNB inspektorasi, kapitan.



Наманган вилояти Норин туманида “Ўта хавфли юқумли куйдирги касаллигининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш” мавзусида маҳсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

ЎҚУВ МАШҚИ

Тадбир давомида “Куйдирги касаллигининг этиологияси, эпидемиологияси, эпизоотологияси, қиёсий ташхиси, клиникаси, даволаш усуслари ва профилактикаси” мавзусида мутахассислар томонидан маъruzalar қилинди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Шунингдек, машқ доирасида касалликка гумон қилинган беморни аниқлаш, ташхис қўйиш, алоҳидалаш ва даволаш-



профилактика муассасаларига эвакуация қилиш тадбирлари амалга оширилди.

Анваржон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,
подполковник.

KO'RGAZMALI TARZDA

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida “G'avvoslik tayyorgarligi” fanidan suvda qidiruv-qutqaruv ishlarini tashkil qilish, jabrlanganlarni olib chiqish va birinchi tibbiy yordam ko'rsatish” mavzusida ko'rgazmali mashg'ulot o'tkazildi.



Tadbir davomida tinglovchilar sho'ng'ish ishlarini ta'minlovchi vositalardan to'g'ri foydalananish, suv ostiga tushib, shartli ravishda yashirilgan predmetni qidirib topish ishlarini olib borishdi. Qolaversa, cho'kayotgan insonni suvdan olib chiqib, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish ishlari o'rgatildi.

N.ATAKULOV,
FVV BTvaMOM siki
katta o'qituvchisi,
mayor.

ТАЙЁРГАРЛИК

Сурхондарё вилоятида куз-қиши мавсумига тайёргарлик тадбирлари доирасида ФВДТ ҳудудий ва қуий тизимлари бошқарув органларининг куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ўқув машқлари ўтказилмоқда.

Хусусан, Қумкўрон туманидаги “Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси “Қумкўрон” газ ишлатиш хизмати” корхонасининг газ тақсимлаш шохобчasi ва “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиалига

қарашли “Ҳайрабод Денов” газ тўлдириш станцияси ҳамда “Деновтумангаз” газ таъминоти бўлимида ташкил этилган ўқув машқлари давомида ишли-ходимларнинг фавқулодда вазиятлар-

да ҳаракатланишга оид билимлари янада мустаҳкамланди.

Ж.ЖЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти
ФВБ ЖТ ва
ОАВБҲҚГ бошлиғи,
капитан.



Samarqand viloyati “Jomboy don” AJda FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi kasbiylashtirilgan yong'in-qutqaruv qismi yo'riqchi-qutqaruvchilar ishtirokida “Don mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash korxonalarida yong'in o'chirish” mavzusida amaliy mashg'ulot bo'lib o'tdi.

HAMKORLIK

Mashg'ulot davomida don mahsulotlarini saqlash, korxonalarda yong'in xavfsizligini ta'minlash, turli tusdagi favqulodda vaziyatlar va yong'inlarning oldini olish ishlarini tashkil etish, “Yong'in holatini aniqlash”, “Yong'indan odamlarni qutqarish”, “Yong'inda hal qiluvchi yo'na-

lishlarni to'g'ri tanlash” hamda “Yong'in o'chirish rahbarining harakatlari” kabi mavzularda ma'ruzalar tashkil qilindi.

N.ATAKULOV,
FVV BTvaMOM katta o'qituvchisi,
mayor. O.RO'ZIMURODOV, katta
o'qituvchi, podpolkovnik.

Машқ якунида ўйлук кўйилган хато ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Olmazor tumani hokimligida hokim o'rinnbosari A.Abdurahmonov, FVV mas'ul xodimi V.Ashermatov, tuman FV bo'limi boshlig'i podpolkovnik Sh.Ibragimov boshchiligidagi FVDTga kiruvchi tashkilotlar ishtirokida kuz-qish mavsumini talafotlarsiz o'tkazish, yong'in va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlar yuz berganda bartaraf qilishga oid tadbirlar muhokama qilindi.

SEMINAR



Яккасарой тумани ҳудудидаги ташкилот ва идораларда, ижтимоий объектларда, савдо мажмуалари ва бозорларда тарғибот тадбirlari ўтказилмоқда.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Шундай тадбirlar доирасида Тошкент шаҳар каналларидан фойдаланиш ва уларга тулаш ҳудудларини ободонлаштириш бошқармаси томонидан Бўрижар канали қирғогида куриган ўтларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тумандаги "Боғсарой", "Конституция", "Муҳандислар", "Тўқимачи" МФЙлари фаоллари ва ахоли иштироқида ёнгин-кўтқарув техникалари ва асбоб-анжомларининг намойиши ўтказилди.

Тадбirlarда мутахassislar томонидан болаларни назоратсиз, дазмол каби электр ускуналарни қаровсиз қолдириш жиддий талафотларга олиб келиши, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозимлиги тушунтириб ўтилди.

Үлмас
МУҲАМЕДЖАНОВ,
Яккасарой тумани ФВ бўлими бошлиғи,
подполковник.

FVV Maxsus vazifalar bo'yicha respublika qutqaruв markazi shaxsiy tarkibi shahar FV bo'limi hamda tegishli tashkilotlar xodimlari hamkorligida Chilonzor tumanida joylashgan "MAGIC CITY" oilaviy bog'idagi madaniy va ommaviy tadbirlar o'tkaziladigan obyektlarda yong'in xavfsizligini ta'minlash va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

"MAGIC CITY"DA MASHQ



Unda jabrlanganlarni xavfsiz joyga olish chiqish, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, yong'inlarning oldini olish, avariya oqibatlarini bartaraf etish hamda to'g'ri harakat qilish bo'yicha amaliy harakatlar bajarildi.

FVV matbuot xizmati.

Shuningdek, is ga-zidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining cha-nashi, zilzila, sel kelishi, kuchli shamol esishi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, jarohatlanganlarni xavfsiz binolarga qabul qilish xususida so'z yuritildi.

Tadbir yakunida mutaxassislar tomonidan ishtirokchilarning savollariiga javob berildi.

Jamshid PO'LATOV,
Olmazor tumani FV
bo'limi boshlig'i
o'rinnbosari,
podpolkovnik.

MAXSUS O'QUV

Mashg'ulotlar rejasiga asosan, belgilangan o'quv nuqtalarida tuman fuqaro muhofazasi xizmatlarining doimiy tay-yorgarlikdagi tuzilmalari tomonidan sodir bo'lgan avariyalarni bartaraf etish, yong'inlarni o'chirish, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish hamda fuqarolarni evakuatsiya qilish bo'yicha harakatlar amalga oshirilmoqda.

Farg'ona viloyatida mustaqillik bayrami tadbirlarini o'tkazish davrida xavfsizlikni ta'minlash va favqulodda vaziyatlarning oldini olish, sodir bo'lganda oqibatlarini qisqa fursatlarda bartaraf etish yuzasidan FVDTga kiruvchi xizmatlar bilan hamkorlikda profilaktik tadbirlar va maxsus-taktik o'quv mashg'ulotlari o'tkazilmoqda.



Farg'ona viloyati FVB axborot xizmati.

ДОВОНДА ОБОДОНЛАШТИРИШ



Юртимизда эълон қилинган "Ободонлаштириш ойлиги" доирасида "Қамчик" маҳсус қидирив, ёнгин-кўтқарув бошқармаси ҳудудида ва довонда жойлашган масканларда бино ва иншоатларни жорий таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, кўтқарув отряди биноси атрофида цемент қуйиш, дараҳларни суғориш, деворларни бўяш ва янги ниҳолларни экиш ишлари олиб борилмоқда.

Б.ҚУРБОНОВ,
"Қамчик" МҚЁҚБ ҚО командири,
майор.

G'AVVOS-QUTQARUVCHILAR MAHORATI OSHIRILMOQDA



Toshkent viloyati FVB tomonidan Mudofaa vazirligi xodimlari bilan hamkorlikda viloyatning Bo'stonliq tumani "Chorvoq" suv ombori hududida vertolyotdan suvgaga sakrab bo'yicha g'avvos-qutqaruvchilar bilan amaliy mashq o'tkazildi. Unda g'avvos-qutqaruvchilar 30 metr balandlikdagi vertolyotdan suvgaga sakrab, 500 metr masofaga suzib borish ishlarini amalga oshirdi.

Mazkur mashqni o'tkazishdan maqsad qutqaruvchilarning ruhiy va jismoniy tayyorgarligini yanada oshirish, ularni turli xil ekstremal vaziyatlarda tezkorlik bilan qaror qabul qilishga o'rgatishdan iboratdir.

FVV matbuot xizmati.



Тошкент шаҳар ФВБ “Восток” давлат илмий-ишилаб чиқариш бирлашмаси давлат унитар корхонасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси муҳтассислари Сергели туманидаги “Шукрон” маҳалласида бўлиб, маҳалла фаоллари ва аҳоли билан фавқулодда вазиятларда ҳарарат қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик тадбир ўтказдилар.

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДА

Тадбир давомида ходимлар томонидан фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиби бўйича зарур тавсия ҳамда тушунчалар берилди.

Жаҳонгир УРМАШЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ “ВОСТОК” ИЧБ ДУК
ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержант.

ЗЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

Ёнғин-қутқарув хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф қилиш юзасидан бир қатор тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирлар давомида аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинган ҳолда, бу борадаги билимлари янада мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид

еслатма ва буклетлар тарқатилмоқда.
Унутманг! Заррагина эътиборсиз ёки лоқайдлик бир умрлик тузатиб бўлмас хатоларга олиб келиши муқаррар. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидалариға қатъий амал қилинг!

Қ.РИХСИЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
Медиа маркази ДМ
ЁХТТЭБ инспектори,
майор.

Фиригарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллаша ифодаланиб, бунинг таъсирда мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унда бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ё и н к и ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

Жиноят кодексининг 168-моддаси диспозициясига мувофиқ фиригарликда алдаш деганда, айборд томонидан билиб туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон мълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк

Тошкент шаҳар ФВБ “Восток” давлат илмий-ишилаб чиқариш бирлашмаси давлат унитар корхонасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси муҳтассислари Сергели туманидаги “Шукрон” маҳалласида бўлиб, маҳалла фаоллари ва аҳоли билан фавқулодда вазиятларда ҳарарат қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик тадбир ўтказдилар.

Olmazor tumani FV bo‘limi boshlig‘i podpolkovnik Sh.Ibragimov tomonidan Davlat xavfsizlik xizmatining markaziy gospitali rahbariyati va hamshiralari, ishchi-xizmatchilariga kuz-qish mavsumini talafotlarsiz o‘tkazish, favqulodda vaziyat hamda yong‘in yuz berganda bartaraf qilish usullari, is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi va yong‘inlarning kelib chiqishiga yo‘l qo‘ymaslik tushuntirildi.



BEPARVOLIK – TASHVISH

FVV Boshlang‘ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi hamda viloyat IIIB YHXB hamkorligida “Avtotransport vositalaridan foydalanish va boshqarish hamda huquqbazarliklarning oldini olish va yo‘l harakati qoidalariga qat‘iy rioya etish”, “Yo‘l qoidasi – umr foydasi” mavzularida o‘quv seminar mashg‘uloti tashkil etildi.



Shahrisabz tuman FV bo‘limi ходимлари томонидан mahalla fuqarolar yig‘inlari, tibbiyat birlashmasiga qarashli davolash muassasalari, aholi ko‘p to‘planadigan maskanlar, bozorlar, savdo majmualarida, korxona va tashkilotlarda yong‘in o‘chirish asbob-anjomlarining ko‘rgazmasi namoyish qilinmoqda.

Shuningdek, tuman Sanitariya-epidemiologiya bo‘limi, Veterinariya xizmati, Obodonlashtirish boshqarmasi hamda boshqa mutasaddi xizmatlar bilan hamkorlikda aholi orasida o‘ta xavfli yuqumli kasalliklar bilan bog‘liq holatlaming oldini olish bo‘yicha profilaktik tadbirlar, seminar, davra suhabatlari tashkil etilmoqda.

А.РАХМАТУЛЛАЕВ,
Shahrisabz tuman FV bo‘limi
bo‘linma boshlig‘i, kapitan.

А.ОМАНQУЛОВ,
PvaNB katta inspektorii,
kapitan.

Буғунги кунда ёнғин-қутқарув хизмати ходимлари томонидан жойларда қатор профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.


ТАЛАБ ВА ҚОИДАЛАР

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилиб, газ ва электр мосламаларидан ёнғин ҳамда техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш борасидаги муҳим талаб қоидалар яна бир карра эслатилмоқда.

Бу каби тадбирларни жойларда ташкил қилиш, аҳолига, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ишчи-ходимлариға ўзи ва яқинларини, хонадонларини ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш кутилмаган вазиятлар юзага келишининг олдини олишда асосий омиллардан ҳисобланади.

Шундай экан, бу борада ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлиши миз, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишимиз лозим.

Т.ТОШПУЛАТОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
Медиа маркази ЁХТТЭБ
мутахассиси, оддий
аскар.



эгаси ёки бошқа шахсга мълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янгиширишга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фиригарликда жабрланувчини янгиширишга қаратилган қасддан содир этилдиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталашибтириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларни кўллаш ва ҳ.к. киради.

Фиригарликда ишончни суистеъмол қилиш деганда, айборд томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларга фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айборд шахс-

нинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Фиригар айrimларимизнинг кўшнимиз ёки дўстимиз бўлиши ҳам мумкин. Бироқ одамларининг лоқайдлиги, сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилидаги кайфият ҳамон бизни тарк етмагани сабаб фиригар, жиноятчи ва нияти бузуқ кимсаларга орамизда бемалол ҳаракат қилиш имконини бермоқдамиз.

Бепарволик қилмасдан ўз вақтида ана шундай шахсларнинг қора қилмишларига чек қўйилишига ўз ҳиссамизни кўша олсан, аввало, бир талофтадан қутқариб қоламиз, қолаверса, жамият ривожига ҳисса ќўшган бўламиз.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
жиноят ишлари
бўйича Миробод
туман судининг судьяси.

Shuningdek, zilzila, sel kelishi, qor ko‘chishi, kuchli shamol esishi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko‘chirish, yong‘inlarning kelib chiqishiga yo‘l qo‘ymaslik, sodir bo‘lgan favqulodda vaziyat oqibatlarini bartaraf etish, favqulodda holatlar, xususan, zilzilalar vaqtida tezkor choralar ko‘rish kerakligi aytilib o‘tildi.

Tadbirda qatnashchilarning savollariga javob berildi.

Muzaffar MURODOV,
Olmazor tumani
FV bo‘limi PvaNB
inspektori.

O'QITISH ISHLARI



Qarshi tumani FV bo'limi tomonidan tuman hududi bo'ylab 7 ta manzilda targ'ibot tadbirlari va 3 ta aholi ko'p to'planadigan joyda o'quv-amaliy mashg'ulotlari o'tkazildi.

Jumladan, "KHILALTEX" MCHJ paxtani qayta ishslash zavodida o'tkazilgan targ'ibot tadbirida 200 nafarga yaqin ishchi-xizmatchiga obyekt hududida yong'in xavfsizlik qoidaligiga rioya qilish, ish joyi yoki yashash xonadonida elektr qurilmalari, gaz uskunalarini qarovsiz qoldirmaslik lozimligi tushuntirildi.

Tadbir davlat arxivi tuman bo'limi ishchi-xizmatchilari ishtirokida davom ettilib, eslatma va bukletlar tarqatildi. Shuningdek, birlamchi yong'in o'chrigichlardan foydalanish tartibi amalda bajarib ko'rsatildi.

Sohibjon VAYITOVA,
Qashqadaryo viloyati FVB Axborot
xizmati rahbari, mayor.

Azizbek ABDUMALIKOV,
Qarshi tumani FV bo'limi bo'linma
boslig'i, katta leytenant.

ДОВОН КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

2023-2024 йил куз-қиши мавсумida "Қамчик" довонида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича Республика ишли гурухи аъзолари иштирокида обьектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.



Ўрганишлар давомида довонда хизмат олиб бораётган йўл бўлимлари va уларнинг машина-механизмлари, автомобиль ҳамда темир йўлидаги геологик ва гидрометеорологик хавфли участкаларда амалга оширилаётган муҳандислик-химоя тадбирларининг ҳолати, қиши қарор учун қум-туз аралашмасининг захираси, ҳудудий электр тармоқларининг маҳсус авария-тиклаш бўлимларининг мавсумга тайёргарлиги, уяли алоқа воситаларининг ишли ҳолати ва яна қатор жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

M.МИНГБОЕВА,
"Қамчик" МҚЕКБ
Хважаттэб бошлиғи,
кичик сержант.

Shahrisabz shahar FV bo'limi, gaz va elektr idoralari xodimlari hamkorligida mahallalarda pofilaktik ishlar olib borilmoqda.

O'RGANISH

Ushbu tadbirda gaz va elektr moslamalarini to'g'ri ishlatish, ta'mortalab isitish pechlarini soz holga keltirish, gazni rezina uzatkichlar orqali o'zboshimchalik bilan boshqa joylarga ulab olmaslik, qo'llola isitish pechlaridan foydalanmaslik kabi tartib-qoidalar tushuntirilib, kerakli ko'rsatmalar berilmoqda.

Shahardagi ko'p qavatlari uylargacha boriladigan yo'llarga temir-beton to'siqilar o'rnatilgan bo'lib, joylardagi bunday to'siqilar olib tashlandi.

Ulug'bek SHARIROV,
Shahrisabz shahar FV bo'limi boslig'i
o'rinnbosari podpolkovnik.

QOIDALARGA AMAL QILING!

Dehqonobod tumanidagi Bolalar musiqa va san'at maktabida MFY raislari, hokim yordamchilari, xotin-qizlar faollari va yosolar yetakchilari ishtirokida "Mahalla fuqaro muhofazasi tuzilmasi faoliyatini tashkil etish", "Zilzila vaqtida to'g'ri harakat qilish tartibi", "Is-gazi va chaqnashlar, botulizm va ovqatdan zaharlanish hamda yuqumli kasalliklar tarqalishining oldini olish" kabi mavzularda davra suhbati o'tkazildi.

Tadbir ishtirokchilariga doimiy ravishda MFYlarda xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha targ'ibot-tashviqot ishlari, maxsus-taktik o'quv mashqlari o'tkazilayotganligi va ushbu tadbirlarda faol ishtirok etish lozimligi ta'kidlandi.

Bobur SHERALIYEV,
Dehqonobod tuman FV bo'limi bo'linma boslig'i, kapitan.

МАСКАН МАШГУЛОТИ

"Ўзбекнефтгаз" АЖ Мароқанд Нефтбаза Жомбой филиалида ФВВ Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази тингловчилари билан амалий машғулот ўtkazildi.

Машғулот давомида тингловчилар руҳий тайёргарлик йўлакчasiда белгилangan vазifalarни bажариб, газниқблардан fойдалangan ҳолда tutun ichidan yutish, yкуv mino расигa kутарiliш va яна қator ҳаракатларни amalga oшириildi.

Tabir jaunida йўл қўйилagan xato va kamchiliklar muҳokamalari қилиниб, tингловчilarning bажарargan ishlari baҳolab borilildi.

O.RЎЗИМУРОДОВ,
ФВВ БТваМОМ цикл катта ўқитувчиси, подполковник.
B.РАҲМОНОВ, майор.



УЛУГ АЙЁМ ОЛДИДАН

Bo'fot tumani FV bўlimi xodimlari tomonidan bайрам тантаналари бўлиб ўтадиган обьектlарнинг ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилmoқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган камchiliklar mu'tasaddi tashkilotlarni jalb қilgan ҳолда жойida bar-tarafla қiliplmoқda.

Tuman xududiда mустақilllik bайrami arafasida янгидан курилиб fойdalaniшiga topshiriladi-gan obьектlарнинг ҳам loyini haжokatlariда kursatilgan

ёнfiginga қарши talablarning bажariliishiha eъtibor қaratilmoқda.

Ш.ХУДАШУКУРОВ,
Bo'fot tuman FV
bўlimi bo'shligi,
podpolkovnik.
С.ДУШАМБОЕВ,
bўlim inspektor, oddiy
askar.

МАВСУМГА ШАЙЛИК

Xalqimizda ўт балосидан асрасин, degan доно naқл бор. Utgan 2022 yilning utgan 12 oyi davomida Toшkent shaҳar xuddida 800 dan ortiq ёнғин sodir bўlib, ushu ёнғinlarning asosiy қисми aҳoli yasha sektoriga тўғri kelgan.



Bu kabi ҳолатlарning юзaga keлmasligi учун xozirda жойларда профилактик тадbirlar ўtkazib kelinmoқda. Tadbirlar давомида ёнғin va бошқa tусдаги фавқулодда вазияtlарning oлдини oлиш tадbirlarining ҳолатiga aloҳida eъtibor қaratiliib, aniqlanigan kamchiliklar жойida bartaraf etib borilmoқda.

Amalga oshirilaётган ushu tадbirlarдан maқсад bitta, u ham bўlsa, kuz-қish mavsumini betaloфat ўtkaziш, ёнғin va

boшқa tусdаги фавқулodda vazияtlarining oлдинi oliшdir.

Nafaқat соҳa mutaxassislar, balki barча юртdoшlarimizdan mazkur tадbirlarda faol iшtirok этишni сўраб қolamiz.

Ogoх bўling, ўзингиз va яқинlaringiz ҳaётini xavf ositiда қoldirmanг!

Nodirbek Қўчқоров,
Юнусобод тумани
ФВ bўlimi inspektori,
kattha лейтенант.

ШОХ-ШАББАЛАРНИ ЁКМАНГ!

Olimalik shaҳar FV bўlimi xodimlari tomonidan ёнғinlarning oлдинi oliш borasiда қator chora-tadbirlar amalga oshirilmoқda.

Жорий yilning utgan davri mobainida shaҳrimizda 23 ta ёнғin sodir bўldi. Уларning 4 tasi қuriGAN ўt va шох-shabbalar ёқiliши oқibatiida юзaga kelgan. Шу bois, xalq xўjaliqinинг turli tar-moқlariда, shunindek, sanoat korxonalari, bilim юртлari, maktab, boғcha va axoli turar жойlariда ёнғinlarning oлдинi oliш учун режали tekshiruvlar ўtkazilmoқda.

Ушу xайrlı ishlarga maҳallla oқso-қollari, kengash raislari, tashkilot, muassasa, korxona raxbarlari va barcha fuqarolarni jalb этиш, ҳamkorlikda tizimli ishlarni tashkil қiliш muҳim vazifalarдан sanapadi.

Шаҳzod ШЕРҚУЛОВ,
Olimalik shaҳar FV bўlimi kattha
inspektori, kattha лейтенант.



Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажаги, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтиомий қатлам саналади. Зоро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдирни ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилик даражаси билан белгиланади.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Албатта, ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса, жамият эртасининг муносаб ворислариридан. Мазкур нуқтаи назарга кўра, ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътиборда экан, ёш авлод тарбиясида ҳар биримиз ўз вазифамизга улкан масъулият билан ёндашмоғимиз лозим.

Олдинда янги ўкув иили бошланиш арафа-

сида. Шундай экан, ёш авлод таълим-тарбиясига биз – педагог ходимлар янги куч-ғайрат билан киришишимиз, таълим олувчиликага чукур билим бериш, уларнинг истеъдод ва имкониятларини рӯёбга чиқариш, кўллаб-куватлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга муҳим эътибор билан қарашимиз зарур.

Бу жараёнда му-

идоралар, энг муҳими, ота-оналар ва жамоатчилик билан фаол ҳамда самарали ишлашимиз, ёшларнинг онги ва маънавиятини миллий урф-одат, анъана ва қадрияларимизга зид таъсирлардан ҳимоялашимиз, ёшларни китобхонликка ундашимиз, синфдан ташқари ташкил қилинадиган тадбирларга фаол жалб қилишимиз лозим.

Агар ҳар бир педагог, тарбиячи ўз вазифасига чуқур талаб даражасида ёндашар экан, таълим-тарбия жараёнида кутиглан натижаларга эришилади, албатта. Унумтаслик керакки, ёшлар – бизнинг нурли эртамиз ва келажагимиз ҳисобланади.

Раънохон
НУГМАНОВА,
ўқитувчи.

ЮРТИМГА ҲВАС

Тушимда кўрибман фаришта, Самодан тушдими билмадим. Шунчалар чиройли, саришта, Бундайин гўзални кўрмадим.

Эгилди жисмимга у аста, Бошимни силади меҳрла. Ул гўзал сулувга ҳавасда, Суратдек қотибман сехрла.

У назар ташлади борлиқка, Руҳида ўзгариш сезилди. Юзига қалқиган оғриқка, Юрагим увишди, эзилди.

Дедики: ўзимга қолганда, Сен сари шошибиб учардим. Қанийди иложи бўлганда, Ерга келин бўлиб тушардим.

Қанчалар баландда бўлмасин, У мағрур бошин паст қилиби. Кучоғи нурларга тўлмасин, Юртимга ҳаваси келиби...

Ф.УМАРАЛИЕВА,
ФВВ Сейсмопротностик мониторинг
Республика маркази муҳандиси,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти совриндори.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазиятлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилимайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007 йил
3 январда 0096-ракам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-йў.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкилотлар учун – 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмаҳонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-йў.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 5400 нусха

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” муҳбири.



Айниқса, қандайдир дард билан курашаётган норасидалар меҳру эътиборга бошқаларга нисбатан янада кўпроқ муҳтоҷ бўладилар. Уларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш орқали эртанги кунига ва келажакка нисбатан ишончини орттиришга эришиш мумкин.



Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ёш волонтёрлари ҳамкорлигига ўтказилган кўргазмада 200 дан зиёд расм аукционга кўйилди. Афсуски, баъзи бир расмлар эгалари бу дунёни тарк этганлар. Болажонларнинг муаллифлик асарлари, рассомлик маҳоратлари, уй, оила, дўстлик, табиат ва орзулар мавзуларига оид суратлар йигилганларда катта таасусрот қолдириди. Чизилган суратларда ҳар бир деталларни ёрқин рангларда

этилди. Хусусан, яратётган видеороликларимиз, қисқа метражли фильмларимизда мана шу касаллик ва унинг эрта олдини олиш ҳақида муҳим маълумотлар акс этирилмоқда. Агар аҳолида бундай хасталик тўғрисида ўз вақтида фикр шаклланган бўлса, касалликнинг 3–4-даражасига келганида шифокорга мурожаат қилмасдан, балки аввалроқ ҳаракатни амалга оширишга интилишга муваффақ бўлишади.

Халқимизда “Савоб ишини ҳар ким ҳар куни қилиши керак”, – деган доно нақл бор. Шундай экан, ушбу ташаббусни амалга ошираётган саховатли инсонларга улкан миннатдорлик билдирилган ҳолда, дардманд болажонларнинг дардига Яратгандан шифои комил тилаб қоламиз. Илоҳим улар буткуп соғайиб, халқимизнинг ишонган ва суюнган умидли ёшлари бўлиб камол топсинлар! Оламдан ўтган гулу райхонларнинг эса қабрлари жаннат нурларига ғарқ бўлсин, илоҳим!

Бу манзара тоғдай-тоғдай келадиган сабру матонатни ҳам емириб ташлайди, йўққа чиқарди. Эй, Худо, ҳеч кимнинг боласи касал бўлмасин, ҳеч ким “Болал!”лаб йиғламасин, деб ният қиласиз...

Боланинг бегонаси бўлмайди аслида.

